# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2015-YIL 17-FEVRAL, SESHANBA, 20 (8413)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


Хоразм Вилояти

**Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан вилоятда 262 та саноат корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Натижада 2014 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилларга нисбатан бир неча бароборга ортиб, 1,6 триллион сўмликка етказилди. Ушбу кўрсаткичнинг 28,4 фоизи енгил саноат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келиши соҳага қаратилаётган эътибор самараси**



# САНОАТДА ЭКСПОРТ ҚУВВАТИ ОРТМОҚДА

Жумладан, Боғот туманидаги "Боғот текстиль" қўшма корхонаси ўрнида ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган "GREAT COTTON EXPORT" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаган эди. 2014 йилнинг ноябрь ойида амалга оширилган мазкур лойиҳа қисқа муддат ичида ўзининг истиқболли лойиҳалардан эканлигини намоён эта олди.

Корхона, аввало, Германия, Хитой, Россия давлатларидан келтирилган замонавий технологиялар асосида тўлиқ жиҳозланди. Юқори унумли ушбу ускуналар ёрдамида иш суръати кун сайин ортиб бормоқда. Масалан, корхона томонидан биргина ўтган йилнинг сўнгги икки ойи давомида 315,8 тонна пахта хомашёси қайта ишланиб, 240,8 тонна ип-калава тайёрланди. Сифат жиҳатидан халқаро талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган ушбу маҳсулотнинг 53,6 тоннаси ташқи бозорга экспорт қилинди. Ҳозирда корхонада экспорт салоҳиятини янада ошириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



**Корхона томонидан биргина ўтган йилнинг сўнгги икки ойи давомида 315,8 тонна пахта хомашёси қайта ишланиб, 240,8 тонна ип-калава тайёрланди. Сифат жиҳатидан халқаро талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган ушбу маҳсулотнинг 53,6 тоннаси ташқи бозорга экспорт қилинди.**

– Айни пайтда корхонамизда фаолият юритаётган 200 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиларларнинг аксариятини ёш йигит-қизлар ташкил этишади, – дейди илғор ишчи Адолат Латипова. – Самарали меҳнат қилишимиз учун корхонамизда барча шароитлар муҳайё этилган. Махсус иш кийимлари, иссиқ овқат билан таъминланганмиз. Бўш вақтларимизда кўнгилли ҳордиқ чиқаришимиз учун турли маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб турилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ишлар 3 навбатда ташкил этилган бўлиб, иқтисодий кўрсаткичларимизни мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини тобора яхшилаш йўлида бир ёқадан бош чиқариб ишламоқдамиз. Бош технолог Баҳром Ражабов, ип йигирувчилардан Шаҳло Хўжаниёзова, Гулой Шомуротовалар илғорлик борасида бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Корхона жамоаси янги йилни ҳам улкан меҳнат ютуқлари билан қарши олишди. Жорий йилнинг биринчи ойида 312 минг АҚШ долларилик маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Шунингдек, корхона маҳсулотларига ички бозорда ҳам талаб кун сайин ортиб бормоқда. Қисқача айтганда, жамоада ишнинг тўғри ташкил этилганлиги, ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган эътибор ва рағбат корхона фаолиятининг барқарорлигини таъминламоқда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ҳотамжон Абдураҳмонович Кетмонов, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Акмал Холматович Саидов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ислом Абдуғаниевич Каримов, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Наримон Мажитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов тадбир иштирокчиларига Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси якунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда ўтказилаётгани таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида қарор қабул қилди.

Сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайловолди дастурларининг асосий қоидаларини сайловчиларга етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" телерадиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг сайловолди дастурлари ҳақида видео ва радиороликларни эфирга узатиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг тури, шакли ва услублари ҳамда мазмунини мустақил белгилайди.

Сайловолди ташвиқоти давомида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳар бирига "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" республика даврий нашрларида 10 саҳифагача нашр майдони бепул ажратилади. Ушбу материаллар ҳудудий нашрларда ҳам эълон қилинади. Сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун тенг шароитлар яратиш принципи партия нашрларига жорий этилмайди. Улар ҳар қандай ҳажмдаги тегишли материалларни чоп этиш ҳуқуқига эгадир.

М.Абдусаломов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловолди ташвиқотини мамлакатимиз қонунчилигига тўла мувофиқ равишда ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинганини таъкидлади.

Брифингда сайловга тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам сўз юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9058, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси ташкил этилди. Сайлов участкалари зарур алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Махсус белгиланган жойларда яширин овоз бериш учун сайлов кабиналари, сайлов қутилари ўрнатилган.

Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари ташкил этилиб, уларнинг таркибига жами 90 мингга яқин киши киритилган. Уларнинг 67 фоизи соғлиқни сақлаш, фан, таълим, маданият ва спорт соҳаси вакиллари, 22,3 фоизи жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, 5,3 фоизи фермерлар, 5,4 фоизи ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари, 6,2 фоизи иқтисодчилардир. Комиссия аъзоларининг 84 фоизи сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда аввал ҳам иштирок этган. Участка сайлов комиссиялари аъзолари орасида хотин-қизлар 42,8 фоизни ташкил қилади.

Брифингда сайлов кампаниясининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли ахборотлардан фойдаланиши учун барча шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этган мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 дан зиёд вакилини аккредитациядан ўтказди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## 29 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

# ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бошланди.

Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов 16 февраль куни Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Фарғона округ сайлов комиссиясининг раиси Н.Собиров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Маҳкамов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳ.Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш, ижтимоий таъминот тизимларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Марғилон тиббиёт коллежи директори Ш.Эрматов, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи директори ўринбосари Ш.Нишонбоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси ўринбосари Д.Мамажонова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётгани, миллий сайлов тизими халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини таъкидлади. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# АКМАЛ САИДОВНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири 16 февраль куни Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилояти сайловчилари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Термиз давлат университети профессори С.Турсунов иштирокчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Президентликка номзод А.Саидов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзоднинг сайловолди дастурида миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, миллий ўзликни англаш, тарихни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу жумладан, дастурда мамлакатимизда замонавий ривожланган демократик жамиятни шакллантириш, Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом ахборот маконини яратиш ҳамда халқаро муносабатларда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор устувор вазифалар белгиланган.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошидаги "Ёшлар маркази" масъул ходими Б.Каримов, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчиси С.Тўраева ва бошқалар номзоднинг дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# НАРИМОН УМАРОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 16 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссиясининг раиси К.Каримов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Р.Матқурбонов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Н.Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда мамлакатимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият экани, адолат ҳаётимизнинг бош мезони, ҳар бир инсон учун адолат тамойилларини ҳаётимизга кенг жорий этиш энг асосий вазифа экани таъкидланган. Бу борада қонун устуворлигини таъминлаш, ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, келиб чиқишидан қатъи назар, барчага тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш устувор йўналишлар эканига алоҳида эътибор қаратилган.

"Экосан" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Н.Мирзабуратов, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг 3-курс талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори О.Ўразимбетова, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ўқитувчиси У.Сейтжонова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда ҳуқуқий давлат шаклланганини, сайлов тизимимиз умумэътироф этилган халқаро нормаларга тўла жавоб беришидан далолат эканини таъкидлади. Номзоднинг дастури хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

29 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

# ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири 16 февраль куни Наманган шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов наманганлик сайловчилар билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг раиси F.Ортиқов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили А.Қирғизбоев йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳ.Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш, аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ва бошқа асосий вазифалар белгиланган.

Учрашувда "Наманган ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири М.Парпиев, Ўзбекистон ХДП Уйчи тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати Р.Абдуллаев, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси ўринбосари М.Убайдуллаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ҳамда муқобиллик асосида, халқаро демократик тамойилларга мос ўтаётганини таъкидлаб, Президентликка номзоднинг сайловолди дастури ва унда белгиланган устувор вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**А.САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# АКМАЛ САИДОВНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 16 февраль куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 13-Қашқадарё округ сайлов комиссиясининг раиси И.Жўраев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, вилоят телерадиокомпанияси раиси У.Нусуров йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзоднинг дастурида ўзбек халқининг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш, мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлашни таъминлаш муҳим вазифалар қаторида қайд этилган.

Учрашувда Қарши давлат университетининг профессори Н.Шодмонов ва бошқалар номзоднинг дастури ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**Ў.БАРОТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# НАРИМОН УМАРОВНИНГ ХОРАЗМЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 16 февраль куни Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм округ сайлов комиссиясининг раиси А.Раҳимов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Қурбонбоев йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат тамойилларини таъминлаш, қонунларнинг мукаммал, юқори сифатли ва барқарорлигига эришиш, уларни кундалик ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ғоясини татбиқ этиш, илм-фанни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш ҳамда ташқи сиёсатда миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш каби муҳим вазифалар илгари сурилган. Айниқса, дастурда дунё сиёсий амалиётида кенг қўлланиладиган ва тан олинган социал-демократик ғоялар халқимизнинг менталитетига уйғун ҳолда ифода этилган.

"Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Н.Эшметов, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг "Тиллар, педагогика ва психология" кафедраси доценти Д.Олимова ва бошқалар номзоднинг дастури ва ундаги вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**А.ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Давлат музейида Тошкент ҳарбий округи ҳарбий қисмларидан бирида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларнинг тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

# АСКАРЛАР УЙИГА КУЗАТИЛМОҚДА

Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Хусусан, ёшларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизими такомиллаштирилди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қарорга мувофиқ, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган ёшлар барча олий таълим муассасаларига ўқишга киришда имтиёзга эга бўлади.

Ватан олдидаги муқаддас бурчини намунали ўтаган аскарларга ҳарбий марш садолари остида фахрий ёрлиқлар, шунингдек, ҳарбий қисм қўмондонлигининг таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган тегишли тавсияномалари топширилди.

Ҳарбий қисм командири, подполковник Х.Абдиқодировнинг сўзларига кўра, жорий йилда ҳарбий қисмда аскарларнинг касбга оид билимини ошириш, малака ва кўникмасини бойитиш, замонавий технологияларни жорий этиш бўйича катта ишлар амалга оширилган. Жумладан, янги мультимедиа мерганлик тренажёри ва транспорт воситаларини бошқариш кўникмасини ўрганиш тренажёри ўрнатилган. Ҳарбий хизматчиларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш бўйича шароитлар яхшиланган. Бунинг самарасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарларнинг қирқ фоизи ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлди.

– Менинг орзуим ҳарбий мутахассис бўлиш, – дейди А.Абдималиков. – Муддатли ҳарбий хизмат якунида олий ўқув юртига кириш учун ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлдим. Энди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириб, профессионал ҳарбий хизматчи бўлмоқчиман.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири.**

Фарғона Вилояти

*Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан вилоятда истиқомат қилувчи 120 нафар уруш ва меҳнат фахрийларининг Фарғона туманидаги Чимён қишлоғида жойлашган санаторийларда дам олиши ва соғломлаштирилиши ташкил этилди.*

# ЭЪЗОЗДАН ДИЛЛАР МУНАВВАР

Ушбу тадбир "Чимён" санаторийсида кексаларни кутиб олиш билан бошланди. Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Фарғона тумани ҳокимлиги мутасаддилари томонидан шу куни қизиқарли маданий тадбир ташкил этилди.

Тадбирдан сўнг фахрийлар ҳудуддаги бир қатор санаторий ва сиҳатгоҳларга жойлаштирилди.

– Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан ушбу йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинганидан беҳад миннатдормиз, – дейди Бағдод туманидан келган 76 ёшли Ваҳобжон ота Жалилов. – Эътиборлиси, бу ғамхўрлик йил бошиданоқ бошлаб юборилди. Мазкур ўн кунлик тадбирнинг ташкил этилиши биз кексалар учун айни муддао бўлмоқда. Туманимиздан дам олиш учун олти нафар қария биргаликда келдик. Даволаш, дам олиш шароитлари жуда яхши.

– Касбим тақозоси билан илгари кўплаб мамлакатларда бўлганман, – дейди Сўх туманилик онахон Назира Маҳматова. – Лекин она юртимиздек гўзал, бетакрор ва жаннатмонанд жойни ҳеч кўрмаганман. Айниқса, юртимизнинг табиатини, хушҳаво масканларини айтмайсизми.

– Мен узоқ йиллар давомида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қилдим, – дейди меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ботир Темиров. – Ҳалол меҳнатим эвазига қадр топдим. Камтарона хизматларим давлатимиз томонидан юксак баҳоланди. Мана эндиликда кексалик давримни ҳам эътибор ва ардоқда ўтказяпман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ташкил этилган бу каби тадбирлар йил мобайнида мунтазам давом эттирилади.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ**

Наманган Вилояти

ТОМОРҚА – ХАЗИНА

# ЭЛ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ МАНБАИ

**Норинликлар битмас-туганмас хазина — томорқадан оқилона фойдаланиш ҳадисини пухта эгаллашган. Буни биргина ўтган йил натижаларидан билса ҳам бўлади. 2014 йили туман аҳли томонидан 35 минг тонна сабзавот, 16,1 минг тонна картошка, 5,9 минг тонна полиз, 6,8 минг тонна гўшт, 43,2 минг тонна сут, 11,5 миллион дона тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди.**



– Ўтган йиллар давомида орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, жорий йил учун ҳам аниқ режалар белгилаб олдик, – дейди Норин тумани ҳокими Аъзамжон Султонов. – Жумладан, туманда 2015 йилда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ва нархлар барқарорлигини сақлаш, маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида ҳозиргача қатор ишлар қилинди. Туман бўйича 28414 та хонадонда 2221 гектар шахсий ва дала томорқалари мавжуд бўлиб, ана шу майдонларнинг 130 гектарига картошка, 580 гектарига сабзавот, 26 гектарига полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари жойлаштириш режалаштирилди. "Учтепа" ва "Норинкапа" қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги элликта хонадонда плёнка остига картошка ва редиска экилди. Бундай ишлар бошқа қишлоқларда ҳам қизғин давом эттирилмоқда. Бу борада, айниқса, хонадонлардаги иссиқхоналардан оқилона фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Уларда асосан лимон, кўкатлар ва сабзавот кўчатлари етиштирилмоқда. Катта оқтовлик маҳалласидаги 61 та хонадонда эса мавсумий иссиқхоналар ташкил этилиб, уларда асосан сабзавот кўчатлари – помидор, бодринг, қалампир, булғор қалампири ва карам кўчатлари парваришланмоқда.

Айни пайтда озиқ-овқат мўллкўллигини таъминлаш учун туман миқёсида 34 та лойиҳа шакллантирилиб, унинг ижросига 4 миллиард 580 миллион сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳалар амалга оширилса, 668 бош қорамол боқишга мўлжалланган чорвачилик комплекси, 4,1 гектар сунъий ҳовузларда балиқ етиштириш, 200 та оилада асаларичилик хўжаликлари ташкил этиш, 30 минг бош парранда парваришлаш, 44,2 гектар майдонда интенсив боғлар барпо қилиш, 6 гектар майдонда узумзор боғ яратиш, 2 та совиткичли омборхонада 200 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва битта қайта ишлаш цехида йилига 40 тонна гўштни қайта ишлаш имконига эга бўлинади. Бунинг натижасида юзлаб янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, аҳоли томорқаларини зарур миқдордаги кўчатлар ва уруғлик билан таъминлашга амалий кўмак бериш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, бу борада Халқ банки туман филиали томонидан 4 та хонадонга 6 миллион сўм, "Агробанк" туман филиали томонидан эса 11 нафар фуқарога 55 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, туман агрокимё маркази, биолабораториялар, муқобил машина-трактор парклари томонидан томорқа ерларини экишга тайёрлаш, турли касалликларга қарши курашда деҳқон ва соҳибкорларга беминнат хизмат кўрсатилмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

ТАЪМИНОТ КОРХОНАЛАРИДА

# ҲАР БИР ХОНАДОН ЧАРОҒОН БЎЛСИН!

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ШУНДАЙ ТАМОЙИЛ АСОСИДА ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

**Ҳеч биримиз кундалик ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур этолмаймиз. Ундан оқилона фойдаланиш, беҳуда сарф бўлишига йўл қўймасликнинг нечоғлик муҳим эканлигини яхши биламизу, кўп ҳолларда бунга амал қилавермаймиз. Тан олиш керак, баъзан, ўрнимиздан туриб чироқни ўчиришга эринамиз. Чироқ туни билан заруратсиз порлаб тураверади. "Ёқиб қўймайин бекор, ахир унда келажак авлодларнинг ҳам ҳақи бор" деган ўй хаёлимиздан ўтмайди. Ваҳоланки, электр энергияси таъминотини янада яхшилаш мақсадида республикамизда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, соҳага йўналтирилаётган маблағларни кўпчилигимиз ҳатто тасаввур ҳам эта олмаймиз.**




Маълумки, сўнгги йилларда электр энергиясига бўлган эҳтиёж кескин ўсиб бораётир. Буни аҳоли сонининг кўпайиши ва турмуш даражасининг ўсиши, турли маиший техника воситаларидан кенг фойдаланиш, саноат тармоқларининг янада ривожланиши ҳамда кўплаб янгидан-янги ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шу боис ҳам мамлакатимизда аҳолини ва халқ хўжалигининг барча соҳаларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш кўп жиҳатдан мавжуд ресурслардан, жумладан, электр энергиясидан қанчалик тежамли ва оқилона фойдаланишга боғлиқдир.

Мамлакатимизда энергетика тизимини модернизация қилиш, электр энергияси таъминотини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланишнинг самарали тизимларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда "Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти жамоаси ҳам мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда вилоятда электр энергияси таъминотини янада яхшилаш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга ошираётирки, эришилаётган ютуқлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда корхона балансида 23259,8 км. 0,4-110 кВ. ҳаво ва кабел тармоқлари, 6051 та трансформатор пункти, 178 та 35-110 кВ. подстанция мавжуд бўлиб, улар орқали электр энергияси таъминоти самарали таъминланяпти.

– Ўтган йили корхонамиз томонидан 897 км. узунликдаги ҳаво тармоғи ва 371 дона трансформатор пункти мукаммал таъмирланиб, белгиланган режа тўлиқ удданди, – дейди корхона бош муҳандиси Абдуғани Вакилов. – Президентимизнинг 2013 йил 6 августдаги 2013-2015 йилларда Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига оид қарорига асосан эса ўтган йили 61,24 км. узунликдаги ҳаво тармоғи ҳамда 20 дона трансформатор пункти реконструкция қилинди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Вилоятнинг 14 та туманидаги 29 та массивда якка тартибдаги 1050 та уй-жойни ташқи электр энергияси билан таъминлаш мақсадида капитал қурилиш-монтаж ишлари учун 2 миллиард 350 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, Чирчиқ шаҳри, Қибрай, Қуйи Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари электр таъминоти корхоналари биноларини реконструкция қилиш ишлари белгиланган тартибда олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда соҳада электр энергиясига бўлган тўловларни янада такомиллаштириш ва ҳар бир истеъмолчининг электр энергияси истеъмолини жойида назоратга олиш учун замонавий АСКУЭ тизимига ўтиш бўйича режа ва жадваллар ишлаб чиқилган бўлиб, бу борада ҳам самарали ишлар қилиняпти. Бугунги кунда юридик шахслар бўйича 11360 та ҳисоблагич ва аҳоли бўйича 338506 та замонавий АСКУЭ тизимига уланиш имконини берувчи ҳисоблагичлар ўрнатилгани эришилган ютуқлардан биридир. Бу, ўз навбатида, истеъмолчи ва электр энергиясини етказиб берувчи ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда қатор қулайликларни яратиб беряпти.

Бундан ташқари, аҳоли истеъмолчилар бўйича фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни такомиллаштириш мақсадида бугунги кунга келиб вилоят бўйича жами 7035 та, шундан Ангрен шаҳрига 3865 та, Зангиота туманига 1300 та, Олмалиқ шаҳрига 2170 та олдиндан ҳисоб-китоб усулида ишловчи электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Аҳоли истеъмолчилари ўртасида тўловларнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида Зангиота туманининг Қашқарлик ва Ҳожиота ҳамда Қибрай туманининг Тузель маҳаллаларида тажриба тариқасида иккитадан трансформатор шохобчасига электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди. Ушбу трансформаторлар орқали электр энергиясидан фойдаланувчи маҳаллалар аҳолисининг электр энергиясидан фойдаланиши ва тўловларни ундириш мунтазам назоратга олинди.

Қолаверса, Чирчиқ шаҳридаги 4 та кўп қаватли уйнинг электр ҳисоблагичлари подъездларга чиқарилди. Айни пайтда бу жараён Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари ҳамда Янгийўл туманидаги кўп қаватли уйларда ҳам амалга оширилмоқда.

Корхона жамоаси томонидан жорий йилда 465 км. узунликдаги 0,4 кВ., 312 км. узунликдаги 6-10 кВ., 118 км. узунликдаги 35 кВ., 13 км. узунликдаги 110 кВ. ҳаво тармоқларини мукаммал таъмирлаш, 91 км. узунликдаги 0,4 кВ. ҳаво тармоқларини замонавий турдаги СИП ўтказгичларига алмаштириш орқали реконструкция қилиш, зўриқиб ишлаётган 50 дона трансформатор пунктидаги трансформаторларни юқори қувватлисига алмаштириш орқали ёки ёнига янги юксизлантирувчи трансформатор пункти ўрнатиш орқали реконструкция қилиш ишларининг амалга оширилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, вилоятда қурилаётган 1120 та намунавий уй-жойларни ташқи электр энергияси билан таъминлаш учун 35.65 км. узунликдаги электр узатиш тармоғи ва 27 дона янги трансформатор пункти қурилиши режалаштирилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, тома-тома кўл бўлур, деганларидек, корхона жамоаси томонидан истеъмолчилар ўртасида электр энергиясидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш, чўғланма лампаларни замонавий, тежамкор лампаларга алмаштириш, электр энергия ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш хусусида олиб борилаётган кенг қамровли тушунтириш ва тарғибот ишлари ўз самарасини бермоқда.

Сирасини айтганда, мазкур жамоада кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислар кўпчиликни ташкил этади. Улар ҳамжиҳатликда иш тутиб зиммаларидаги масъулиятни муваффақиятли адо этишмоқдаки, бу электр тармоқларининг доимо соз ҳолатда бўлиши, бир маромда ишлаши, пировардида истеъмолчиларга электр энергиясини узлуксиз етказиб беришда муҳим аҳамият касб этаётир.

**Раимқул СУЯРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# Приглашение для Участия в Тендерных Торгах

**Дата: 17.02.2015 год**
**Заем:**
**Проект: Программа строительства жилья для комплексного развития сельской местности», Транш 3.**
**Контракт: Смотрите список контрактов**
**Наименование: Смотрите список контрактов**
**Крайний срок подачи конкурсных предложений: 21 дней после публикации объявления.**

**1.** Правительство Республики Узбекистан получило заем от Азиатского Банка Развития (АБР) для финансирования расходов по **«Программе строительства жилья для комплексного развития сельской местности», Транш 3.** Часть средств данного займа будет использована на оплату по вышеуказанным контрактам. Конкурсные торги открыты для всех заинтересованных Участников из стран-членов АБР. Тендерные торги будут проводиться по правилам и процедурам АБР.

**2.** Участники торгов могут подавать свои Конкурсные предложения по одному или нескольким лотам, как указано ниже в тендерных документах. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложении.

**3.** ИК ООО "Кишлок Курилиш Инвест" ("Заказчик) настоящим приглашает правомочных Участников к подаче своих Конкурсных Предложений в запечатанном виде на осуществление строительства индивидуальных жилых домов ("Строительные Работ ") по контрактам указанным ниже.

**4.** Национальные Конкурсные Торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой торгов АБР **«Одноэтапные: Два конверта»** и доступны для всех участников из правомочных стран, как описано в Тендерных документациях.

**5.** Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов – с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам по следующим адресам:

| | | |
|---|---|---|
| **Республика Каракалпакстан**<br>Адрес: г. Нукус, ул. Гарезсизлик 59а.<br>Телефон: (0-361) 222-74-12<br>Факс: (0-361) 222-74-12 | **Андижанская область**<br>Адрес: г. Андижан, ул. Чинабад 59.<br>Телефон: (0-374) 226-72-02<br>Факс: (0-374) 226-72-02 | **Бухарская область**<br>Адрес: г. Бухара, Проспект Навои 5.<br>Телефон: (0-365) 223-96-29<br>Факс: (0-365) 223-97-51 |
| **Джизакская область**<br>Адрес: г. Джизак, ул.Ш.Рашидов 63.<br>Телефон: (0-372) 226-14-66<br>Факс: (0-372) 226-70-47 | **Кашкадарьинская область**<br>Адрес: г. Карши, Проспект Ханабат 46а.<br>Телефон: (0-375) 224-05-24<br>Факс: (0-375) 224-09-06 | **Наманганская область**<br>Адрес: г.Наманган, ул. Навоий 22.<br>Телефон: (0-369) 226-14-50<br>Факс: (0-369) 226-47-91 |
| **Самаркандская область**<br>Адрес: г.Самарканд, пл. Куксарой 2д.<br>Телефон: (0-366) 233-50-76<br>Факс: (0-366) 231-13-51 | **Сурхандарьинская область**<br>Адрес: г. Термиз, ул. А.Темур, 69.<br>Телефон: (0-376) 222-44-76<br>Факс: (0-376) 222-44-73 | **Навоийская область**<br>Адрес: г. Навои, ул. Гвасалия-2а.<br>Телефон: (0-436) 225-47-98<br>Факс: (0-436) 225-49-96 |
| **Ташкентская область**<br>Адрес: г.Ташкент, ул. Навоий 18.<br>Телефон: (0-371) 241-15-22<br>Факс: (0-371) 241-15-32 | **Ферганская область**<br>Адрес: г.Фергана, ул. К.Рахимов 2а.<br>Телефон: (0-373) 224-18-76<br>Факс: (0-373) 224-18-71 | **Хорезмская область**<br>Адрес: г. Ургенч, ул. П. Махмуд, 10.<br>Телефон: (0-362) 224-28-41<br>Факс: (0-362) 224-28-41 |
| | **Сырдарьинская область**<br>Адрес: г.Гулистан, ул.Ахтамова 30.<br>Телефон: (0-367) 227-64-84<br>Факс: (0-367) 227-64-84 | |

**6.** В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны:

- связаться или направить письмо на вышеуказанный адрес с просьбой предоставления тендерных документов по " закупке работ по строительству ___ индивидуальных домов, которые составляют Тендерный пакет № _____, в массиве _________, находящийся в __ км от села / города _______, в районе ____________, ___________ Области.
- Тендерные документы будут доступны заинтересованным Участникам со дня публикации **Приглашения для участия в тендерных торгах.**
- Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов в размере 85000 сум РУз. следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

| Республика Каракалпакстан | Андижанская область | Бухарская область |
|---|---|---|
| Банк ОАТБ «Капиталбанк»<br>Нукусский филиал<br>ИНН: 202610040<br>Р/с: 20210000903952518001<br>ОКОНХ: 84500 | Банк: АТ «Ипотека банк»,<br>Андижанский филиал.<br>ИНН: 202453348<br>Р/с: 20212000003649944001<br>ОКОНХ: 84500 | Банк: АТИБ «Ипотека банк»<br>«Сардор» филиал<br>ИНН: 202435242<br>Р/с: 20210000903550909001<br>ОКОНХ: 84500 |
| **Джизакская область** | **Кашкадарьинская область** | **Наманганская область** |
| Банк: МБВЭД «Национальный банк»,<br>г. Джизак.<br>ИНН: 202411803<br>Р/с: 20210000303757189001<br>ОКОНХ: 84500 | Банк: ОАКБ «Узпромстройбанк»<br>Каршинский филиал<br>ИНН: 202453632<br>Р/с: 202100009038237110001<br>ОКОНХ 84500 | Банк: «Асака Банк»,<br>Наманганский филиал<br>ИНН: 202393842<br>Р/с: 20210000103196752001<br>ОКОНХ: 84500 |
| **Самаркандская область** | **Сурхандарьинская область** | **Навоийская область** |
| Банк: АОТБ «Алоқа Банк»,<br>Самаркандский филиал<br>ИНН: 202427054<br>Р/с: 20210000803783329001<br>ОКОНХ: 84500 | Банк: ОАТБ «Хамкор банк»<br>Термезский филиал<br>ИНН: 202 574 427<br>Р/с: 2021 0000 504 272 552 001<br>ОКОНХ 84500 | Банк: ОАКБ «Ипотека банк»<br>Навоийский филиал<br>ИНН: 202615785<br>Р/с: 20210000803903946001<br>ОКОНХ 84500 |
| **Ташкентская область** | **Ферганская область** | **Хорезмская область** |
| Банк: ОАКБ «Узпромстрой банк»<br>Ташкентский областной филиал<br>ИНН: 300017720<br>Р/с: 20210000704546027001<br>ОКОНХ: 84500 | Банк: «Асака Банк»<br>Ферганский городской филиал<br>ИНН: 202529457<br>Р/с: 20210000003767618001<br>ОКОНХ: 84500 | Банк: ОАКБ «Ипотека банк»<br>Хорезмский филиал<br>ИНН: 202503592<br>Р/с: 20210000203755947001<br>ОКОНХ 84500 |
| | **Сырдарьинская область** | |
| | Банк: «Национальный банк»<br>г. Гулистан<br>ИНН: 202585476<br>Р/с: 20210000303836766001<br>ОКОНХ: 84500 | |

**7.** Конкурсные предложения должны быть представлены:

- По вышеуказанному адресу
- До истечения крайнего срока подачи предложения: **Согласно даты указанной в перечне Контрактов**
